

**ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЖАРАЁНИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(6-7 синф сервис хизмати йўналиши мисолида)**

Шохсанам Баратова, Махмуд Мухлибоев

Гулистон Давлат университети, Ўзбекистон

e-mail: mahmud64@mail.ru

Аннотация: Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳимдир. Ушбу мақолада ана шу ислохотлардан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларни технология фани жараёнида моделлаштириш қобилиятини ривожлантиришга оид услубий фикр-мулохазалар баён этилади.

Калит сўз ва иборалар: таълим-тарбия, ўқувчи, технология фани, моделлаштириш, мотивация, дарсдан ташқари машғулоти.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, инсонларнинг дунёқарабини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат таълим стандарти талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу

мақсадга эришиш учун бугунги кунда олий таълим муасасаларини бошқариш соҳасида ҳар бир раҳбар ходимлар ва профессор-ўқитувчилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини билиши лозим.

2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қатор тадбирлар ва топшириқлар режаси ишлаб чиқилган.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш уларнинг ўз бўш вақтларини унумли сарфлаш ҳақида гапириб, топшириқлар бердилар. Бу топшириқларнинг ижросини таъминлашда умумталим мактабларда ўқитиладиган Технология фанининг аҳамияти каттадир.

Шулардан келиб чиқиб ўқувчи қизларни ёшлиқдан катта ҳаётга тайёрлаш уларни касб-ҳунарли, билимли ва албатта интилувчан қилиб тарбиялаш ҳамда асосийси ҳаётга тайёрлашда Технология фанининг ўрни ва аҳамияти катта.

Технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчи ёшларнинг моделлаштириш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- ёшларимизни ҳар томонлама етуклик интилиши учун шароитлар яратиш;

- ўз фикрини зоясини баён эта олишига йўналтириш;
- дунё ҳамжамиятидаги тенгдошлари билан рақобатлаша олишига замин яратиш каби хусусиятларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун ўқитувчи педагоглардан алоҳида маъсулият ва билим талаб қилинади. Энг аввало педагоглар ўқувчи ёшларнинг қизиқиш, мойиллиги, хоҳиш идроклари ва имкониятларини ўрганиши ва шунга қараб йўналиш бериб боришлари лозим.

Келинг биз 6-7 синф ўқувчи ёшларнинг дарс жараёнига яқинроқ кириб борамиз. Бу жараёнда ўқувчи қизларнинг моделлаштириш қобилиятини ривожлантириш устида ишлаймиз. Ўқувчиларга кўргазма сифатида либос тақдим этилади ва ҳар бир ўқувчи қиз ўз фантазияси асосида миллийлигимиздан келиб чиққан ҳолда бу либосни ўзгартириши ёки янги эскизни чизиши мумкин бўлади ҳамда либосни яратишга киришадилар. Лекин ушбу юмушлар 6-7 синф қизлари учун оғирлик қилмасмикан дастур режаларни кўриб чиқиш керакмикан деган фикрга бориб қоламиз.

Ёки Технология фанидан тўғарак жараёнида тўқувчиликни олайлик, ўқувчи қизларга кичик ёшдаги қизчаларга кийим тўқиш топшириғини берамиз. Бунда ўқувчи қизлар ипларнинг рангини бир-бирига ҳамоҳанг қилган ҳолда танлашлари, кийим фасонини ўзлари яратишлари бир-бирлари билан фикр алмашишлари янгилик устида изланишлари мумкин бўлади. Хатоларини тўғирлаб, ютуқлари билан ўртоқлашадилар. Бу эса нафақат ўзларига балки бошқа ўқувчи қизларга ҳам Технология фанига қизиқишларига бу фан орқали касб-ҳунар эгаси бўлишларига туртки беради. Бундан ташқари қизларимизнинг яратувчанлик қобилиятини ривожлантириб уларнинг келажакда шу касбни мукамал ўрганишларига ёрдам беради.

Технология фани бошқа фанларга қараганда ҳаётимиз учун жуда зарур ва аҳамиятли фан ҳисобланади. Зеро, биз бу фан орқали ўқувчи ёшларни оилага, ҳаётга тайёрлаймиз. Мактабни тугатгандан сўнг олий таълим муассасаларига

ўқишга киролмаган тақдирда ҳам касб-хунари орқали ҳаётда ўз ўрнини топишлари мумкин бўлади.

Технология фанининг камрови катта бўлиб ўз ичига тикувчилик, тўқувчилик, ошпазлик, дуродгорлик, пайвандлаш ва бошқа бир катор ўғил қизлар учун ҳаётда энг керакли касб-хунарларни мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир.

Бунинг учун ҳар бир Технология фани ўқитувчисидан психолог бўлиш талаб қилинади.

Агар биз шу вазифаларни уддалай олсак ўқувчи ёшларимиз мактабни касб-хунарга эга бўлган ҳолда тамомлайди ва ҳаётга тайёрлигини намоён эта олади.

Олий ўқув юртларига кира олмаган тақдирда ҳам ўзини ва оиласини боқа оладиган жамиятда ўз ўрнини топа оладиган фуқаролар бўлиб етишади биз эса ишсизлик деган муаммони ечишга хисса қўшганлигимиздан хурсанд бўлишга ҳақли бўлиб юрамиз.

Булажак Технология таълими ўқитувчилари умумтаълим мактаб ўқувчиларига самарали педагогик мулоқот олиб бориши учун металл, полимерлар, ёғоч, газлама материаллари ва қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини асоси бўлган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, уларга ишлов бериш усуллари ҳамда уларни ўрганишдан ҳаётда нима наф тегишини ҳис қилиб амалда қўллай билиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилишини чуқур англашлари шарт.

Ўқувчи ёшлар ўзларига керак бўладиган илм ва хунарнинг кўпини мактабдан оладилар. Шундай экан мактаб моддий техник базасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ачинарлиси технология фанини ўтиш учун кўп мактабларда етарли шароит яратилмаган. Бу эса ўз навбатида ўқувчи ёшларнинг касб-хунар ўрганишларига тўсиқ бўлмоқда ва фанга қизиқишини сўндирмоқда. Кўпгина мактабларда хона етарли, ўқитувчи мутахассислар бор, ўқувчилар қизиқади гап фақатгина мактабнинг моддий базасида қолган. Мактаб директорлари ҳам маъсулиятли бўлган ҳолда ўз

мактаби ўқувчи ёшларининг келажаги учун ҳаракат қилиши Халқ таълими туман бўлимларига мурожаат қилишлари ҳамда ўз мактабларининг моддий техник базаларини мустаҳкамлаш учун чоралар кўриши зарур .

Агар биз ҳар бир мактабда моддий базани шакллантира олсак ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашга ўргатсак, улар етарлича касб ҳунарни эгаллаган ҳолда мактабни тугатишлари ҳамда катта ҳаётда ўз ўрниларини топишга кафолат бера оламиз.

Юртимиз келажаги учун хизмат қиладиган етук кадрлар етиштирмоқчи бўлсак ўқитувчи педагоглар билан ота-онанинг алоқасини мустаҳкамлаш керак. Бу эса ўқувчи ёшларнинг руҳиятига ижобий таъсир ўтказади. Биз тарбиялаётган ўқувчилар эртага ҳаёт муаммоларини еча оладиган технология фанининг ривожига ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишишига ишонамиз.

Шу ўринда хулоса қиладиган бўлсак ўқувчи ёшларни технология фани жараёнида моделлаштириш қобилиятини ривожлантириш учун уларга ижодий муҳит яратиб, мустақил фикрлашни, кутилмаган ҳодисаларга тайёр туриб мослашиш каби хусусиятларини ривожлантириш керак бўлади

Яъни ўқитувчи педагоглар ўқувчиларнинг вазифаларни бажаришга мажбурлашлари эмас аксинча, бу фанга қизиқтира олишлари мотивация бериб йўналтиришлари лозим. Мустақил ишлашларига, ўз фантазияларини юзага чиқара олишларига йўл очиб беришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т: Ўзбекистон. – 2017.

2. Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури лойихаси. Республика таълим маркази. 2020 йил.

3. Муртазаев М.З. Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини кенг диапазонда ўз маҳоратини таъминлашни илмий услубий асослари. 2020, 130

бет. Монография. А.Қодирий номидаги ЖДПИ ИК қарори (2020 йил июл, 11-сонли қарори).

4. Воробьёв А.Н. ва б. “Меҳнат таълими” (комплекс 5-6-7 синфлар учун). Тошкент. Ўқитувчи. 1991, 1992, 1993.

5. Муслимов Н.А. ва б. Меҳнат таълими методикаси ва касб танлашга йўллаш. Шарқ 2014

6. Шарипов Ш. Қўйсинов О., Абдуллаева Қ. Технология. 7-синф дарслиги. Тошкент. Шарқ. 2017